

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЮҚУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касаллигини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бора-борада профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмаслиги фуқароларнинг жисмоний фаоллиги даражасини қўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишда келишилган чоралар кўриш имконини бермапти.

Аҳолининг тиббий ва санитар-гигиеник маданияти даражасининг пастиглича қолаётганлиги натижасида асосий эътибор профилактикага эмас, касалликлар билан курашишга қаратилмоқда.

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаолли-

гини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Куйидагилар:
2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар Дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгилансин – **ҳодимлар жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш мақсадида барча зарур шароитларни яратиш, ушбу вазифаларга эришишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиб бориш.**

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази негизида давлат муассасаси шаклида **Аҳолининг соғлом турмуш**

(Давоми 2-бетда).

Парламент эшитуви ФАОЛИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ: МУНОСАБАТ, ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА...

2018 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадмановнинг вазирликнинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тиббиёт тизимида олиб борилган янги боисқичдаги фаолиятларга алоҳида тўхталиб, бу борада амалга оширилган ишларга қуйидагича эътибор қаратди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 9 ноябрда Юрт-

жисмоний фаоллиги даражасини ошириш, тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда суд-тиббий хизмати фаолиятини такомиллаштириш, клиника диагностика лабораториясини ташкил этиш, Осие таракқиёт банки иштирокидаги "бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш" инвестиция лойиҳа-



бошимиз раҳбарлигида тизимдаги муаммолар ваистикболдаги вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилганлигини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан биргаликда барча ҳудудлар ўрганилиб, 2019 йил учун алоҳида дастур ишлаб чиқилганлигини, ЖССТ билан биргаликда мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш тизими ўрганилиб, соҳани ривожлантириш концепциясида уларнинг таклиф ва тавсиялари инобатга олинганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганлигини, бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 10 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 15 та қарори ҳамда 4 та фармойиши қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, улардан аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, неврологик ёрдамни такомиллаштириш, халқ таботати соҳасини тартибга солиш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг

сани амалга ошириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди. Шу билан бирга, маърузачи қурилиш-таъмирлаш ишлари, хорижий инвестиция лойиҳалари, Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи доирасидаги таклиф ва тавсиялари, истиқболдаги лойиҳалар, кадрлар таъминоти, малака ошириш ва илмий салоҳият, халқаро алоқалар, патронаж тизими, шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизими ва мазкур йўналишдаги жамғарманинг ташкил этилганлиги, ихтисослаштирилган ёрдам, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, санитар-эпидемиологик ҳолат, хусусий тиббиёт, тиббий-ижтимоий ёрдам, тизимни молилаштиришни такомиллаштириш, мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш, давлат хусусий шерикчилиги ва тиббий туризм хизмати ҳамда хосислар ҳамда уларга қаратилган ишролар ташкил этиш каби масалалар бўйича депутатларга ахборот берди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳим, маърузачи айтганидек, энг муҳим меъёрий-ҳужжатларнинг қабул қилиниши, албатта, уларни босқичма-босқич амалга ошириш тизимини янада такомиллаштиришда асосий ўрин тутиши табиийдир. Айниқса, Президентимиз томонидан куни кеча

(Давоми 4-бетда).

Ислоҳот ва жараён

ҚАРШИ ШАҲРИДА ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Илгари кардиологик ёки эндокринологик касаллик билан оғриган қашқадарёлик беморлар пойтахтимизга, баъзан хорижий давлатларга бориб даволанарди. Энди хорижликлар шифо излаб Қаршига келиши мумкин. Чунки бу ерда энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган замонавий шифохоналар бор.



Давлатимиз раҳбари 13 декабрь куни бу ерга ташриф буюриб, беморлар учун яратилган шароитлар, замонавий техника ва ускуналарни кўздан кечирди. 120 ўринли Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази

Қарши филиалига дунёда энг янги чиққан ташхис ва даволаш аппаратлари олиб келинди. Реабилитация ва юрак ишемик касалликлари, сурункали юрак етишмовчилиги ва аритмология, артериал-гипертензия,

(Давоми 8-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЮКУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ, СОГЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ
ФАОЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказини (кейинги ўринларда – Марказ);

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳузурида юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг худудий бўлимларини; туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги "Саломатлик" марказлари негизда юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда Марказнинг туман ва шаҳар бўлимларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Куйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш:

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юкумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича оммавий тадбирларни ўтказиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юкумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

аҳоли саломатлиги ҳолатини мониторинг қилишининг ягона тизимини яратиш, замонавий ахборот ва инновацион технологияларни жорий этиш билан бирга умри узайтириш ва саломатлиқни мустаҳкамлашга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тавсияларни татбиқ этишда қўмақлашиш;

умумэтироф этилган халқаро услублар асосида доимий популяция текширувлари ва юкумли бўлмаган касалликларнинг хавф омиллари бўйича сўровлар ўтказиш;

нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва тарқалиши даражасини камайтириш, кенг қўламада тушунтириш ишларини ташкил қилиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзи гарови сифатида тўғри овқатланиш тарғиботини кучайтириш;

сифатнинг замонавий халқаро стандартларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш;

таълим муассасалари билан биргаликда юкумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари юзасидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва узлуксиз касбий ривожланиши бўйича тадбирларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш.

(Давоми. Боши
1-бетда).

5. Белгилансинки: Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмасига кирди ва унга ҳисобот беради;

Марказ, унинг худудий бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – худудий бўлимлар) Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги "Саломатлик" марказларининг умумий штат бирликлари ва иш ҳақи фонди доирасида ташкил этилади;

Марказ ва унинг худудий бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари, халқаро молия ташкилотлари ва институтларнинг грантлари ва кредитлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги "Саломатлик" марказлари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан бўшаган маблағлар Марказ ва унинг худудий бўлимларининг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ушбу мақсадлар назарда тутилади;

Марказ аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, бошқа давлат бошқаруви органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

Марказ унга юклатилган вазифалар доирасида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга;

Марказни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради;

Марказ директори меҳнатта ҳақ тулаш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош бошқарма бошлигига тенглаштирилади.

6. Марказ ва унинг худудий бўлимлари ходимларининг чекланган умумий сони 838 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Марказ ва унинг худудий бўлимларини низомилари ва тузилмаларини тасдиқласин, бунда Марказ директориغا, зарур бўлганда, тасдиқланган тузилмаларга ходимларнинг чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 декабрга қадар кенг доирада ўтказиладиган жамоатчилик муҳокамалари натижасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмолчи чеклаш бўйича, шунингдек, куйидагиларни ўз ичига олув-

чи қўшимча чора-тадбирларни қабул қилсин.

Алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисиди (ўровида) тиббий огоҳлантиришларни жойлаштириш учун асосий майдон ўлчамини кенгайтириш;

тамаки маҳсулоти қутисиди (ўровида) матли ёзув ва расм тарзидаги тиббий огоҳлантиришларни жойлаштириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси қондаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борувчи органларни ҳамда шундай назоратни олиб боришининг механизмларини аниқлаштириш;

жамоат жойлари ва транспортнинг белгиланмаган жойларидида алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмолчи учун жавобгарликни кучайтириш;

жамоат жойларида ва транспортнинг белгиланмаган жойларидида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолчини чеклаш мақсадида ваколлатли шахслар томонидан (корхона, ташкилот, муассасаларнинг маъмуриятлари, шу жумладан, жамоат жойларида жойлашган иншоот, бино (иморат), бошқа объектлар ҳамда транспорт воситаларининг эгалари) чоралар қўрилмагани учун жавобгарликни белгилаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) республиканинг барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётга;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг артериал гипертензия, қандли диабет, бронхит астма ва ўпканинг сурunkали обструктив касаллиги ва бошқа юкумли бўлмаган касалликлар бўйича клиник протоколлар, стандартлар ҳамда тавсиялар талабларини;

қўллаб-қувватловчи кураторлик тизими орқали тиббий хизматларнинг узлуксиз боҳолан ва сифатини ошириш механизмларини;

ҳар бир бемор учун юкумли бўлмаган касалликлар ва хавф омиллари бўйича саломатлик профилларини яратишни назарда тутган дастурий таъминотини татбиқ этсин;

б) озиқ-овқат маҳсулотларни таркибиди ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган маҳсулотлар тоифасига киритиш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) таркибиди ёғлар, туз ва қанд миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш, ишлаб чиқариш (тайёрлаш), сотиш ва истеъмолчини чеклаш бўйича таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академияси магистратурасининг янги "Ўнтрициология" йўналишини очиб тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида:

иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари; ҳафтаасига камда бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларда) иштирок этишини назарда

тутадиغان "Саломатлик куни"; мунтазам равишда ходимлар орасида оммавийлашган спорт турлари бўйича спорт мусобақалари ва бошқа жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ўтказиб борилиши амалиётга жорий этилсин.

11. Давлат органлари ва ташкилотлари технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларига ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига киритиладиган махсус танлаффусларни белгиласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

ишлаб чиқариш гимнастикасининг намунавий машқлар комплексини;

транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги ва масофани инобатга олган ҳолда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларига шугулланиш учун тавсия этиладиган спорт иншоотлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар туман (шаҳарлар) бўйича зоналарга бўлиб ҳамда иш фаолиятининг тавсифлари, машғулотларнинг нархи, иш вақти ва бошқа маълумотларни келтириб ўтган ҳолда, спорт иншоотларининг ягона базасини яратсин ҳамда Интернет тармоғига жойлаштирилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари жамоасига соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш учун барча зарур шароитлар яратиш, шу жумладан, спорт объектларига шугулланиш (қуриш, жиҳозлаш) бўйича тадбирларни молиялаштириш тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳолининг кенг қатламлари орасида куйидагиларни ўз ичига олган "Алломиш" ва "Барчиной" махсус тестларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

аҳолининг умумий жисмоний тайёрлиги даражасига спорт нормативларини ва давлат талабларини белгилаш;

аҳолининг турли ёшдаги гуруҳлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш;

юқори кўрсаткичларга эришган фуқароларни "Алломиш" ва "Барчиной" I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирлашни жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Алломиш" ва "Барчиной" махсус тестларни ўтказишни ташкил қилиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 декабрь

15. Куйидагилар:

Марказнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шу жумладан, юкумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш бўйича сифатли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таъсирчан назорат ўрнатиш – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов;

Марказ ва унинг худудий бўлимлари фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш, ҳамият соғлиқини сақлашни таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзига даъват қилиш бўйича чоралар қўриш, фуқароларда ўзининг ва атрофдагиларнинг саломатлиги учун масъулият ҳиссини шакллантириш – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шодмонов;

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишни оммалаштириш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун спорт иншоотлари ва инвентаридан фойдаланиш имкониятини таъминлаш – Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д. Х. Набиев;

таълим муассасалари ўқув дастурларига ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини олиб бериш ва жисмоний фаоллиги даражасини оширишни таъминлаш тадбирларини киритиш, таълим муассасалари ҳудудида ўқувчиларнинг саломатлигига зиён етказадиган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик – Ўзбекистон Республикасининг махтабгача таълим вазири А. В. Шин, халқ таълими вазири Ш. Х. Шерматов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И. У. Маждиев;

Концепция ва чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирларни сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича шахсий жавобгарлик – давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

16. Марказ Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг
БҮЙРУҒИ

2018 йил 13 декабрь

№ 646

Тошкент шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4055-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4055-сонли қарори ижросини ўз вақтида ва сифатли баҳарлаш мақсадида **бу юртам:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони (кейинги ўринларда - Фармон) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4055-сонли қарори (кейинги ўринларда - Қарор) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш мақсадида: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлар режаси **1-иловага мувофиқ;** Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қaratилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирликнинг ишчи комиссияси таркиби **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчилиқни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг маъсулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қaratилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва худудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг “кластер” моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий

ёрдам ҳажминини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-ҳарajat гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизmlарини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий сугуртани босқичма-босқич жорий этиш;

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, “Она ва бола” худудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва билалиқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмин ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизmlарини такомиллаштириш, дори воситаларини, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертифицилаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида; “электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

4. Қуйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда, Вазирликнинг

органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг роли ва маъсулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиқини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

демографик ўзгаришлар ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш истиқболларини прогноزلаш, аҳолининг саломатлиги ва касалланиши ҳолатини комплекс таҳлил қилиш;

жамоат соғлиқини сақлаш устуворлигини, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб кўриб чиқиш, аҳолини соғлом турмуш тарзини кечирish ундаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидagилар соғлиқини муҳофаза қилишга маъсулият рўҳида тарбиялашни таъминлаш;

соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узок умр кўриш даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг соғлиқини сақлаш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқиш;

ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини (телетиббиёт), медицина стандартларини, протоколлар ва тавсияларни кенг миқёсда жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш орқали аҳолига кўрсатилаётган бirlamчи тиббий-санитар, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати, оммабоплиги ва тезкорлигини ошириш;

дори воситаларини, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида қўллашга рухсат этилган асбоб-ускуналарнинг стандартлаштириш ва сертифицилаштириш;

ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишни такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволашнинг замонавий услубларини қамраб олиш ва қўллаш йўли билан тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахас-

сисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарликни таъминлаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини уйғунлаштириш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогноزلантириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётига фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиш;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-услубий раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган, замонавий, халқаро амалиётда синалган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий қилиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари бир ой муддатда қайта ташкил этилган бошқарув таркибий тузилмаларини малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш вазирлиги аппаратининг барча таркибий тузилмалари раҳбарлари раҳбарлик қилаётган таркибий тузилмалар тўғрисидаги низоми, шу билан бирга, ҳар бир ходимнинг функционал мажбуриятларини, лавозим йўриқномаларини 2019 йилнинг 5 январига қадар ишлаб чиқиб, Кадрлар бошқармаси (Д. Бабаев)га топширилиши таъминлансинлар.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги аппаратининг барча таркибий тузилмалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган таркибий тузилмалар тўғрисидаги низоми, шу билан бирга, ҳар бир ходимнинг функционал мажбуриятларини, лавозим йўриқномаларини умумлаштирилган ҳолда, 2019 йилнинг 15 январига қадар тасдиқлаш учун киритсин.

8. Кадрлар бошқармаси (Д. Бабаев) тақдим этилган таркибий тузилмалар тўғрисидаги низоми, шу билан бирга, ҳар бир ходимнинг функционал мажбуриятларини, лавозим йўриқномаларини умумлаштирилган ҳолда, 2019 йилнинг 15 январига қадар тасдиқлаш учун киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари, шунингдек,

худудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош шифокорлари, худудий тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бirlamчилари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раисини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келиш-қилмаш ҳолда лавозимга тайинлашлари ва лавозимдан озод этилишлари маълумот учун қабул қилинсин.

10. Иқтисодиёт ва молиялаштириш бош бошқармаси (Б. Эргашев)га Кадрлар бошқармаси (Д. Бабаев), Юридик бўлим (Р. Махаммадиев) билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг штат бирликлари сонига ўзгаришни киритиб, тасдиқлаш учун киритиш;

вазирлик айрим таркибий тузилмаларининг фаолияти тугатилганлиги ва ўзгарилаётганлиги муносабати билан бир ҳафта муддатда тегишли вазифаларни амалга ошириш ва лавозимлари қисқарган ходимларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш;

янги штат бирликлари сонини тасдиқлаш учун барча худудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш вазифаларини топширилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази (К. Эшназаров) ҳамда Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш маркази “UZMEDINFO” (Д. Усмонов) учун муддатда ташкилотлар фаолиятини тугатиш бўйича барча зарур чораларни амалга ошириш ишларини бошласинлар.

12. Юридик бўлим (Р. Махаммадиев) 2018 йил 7 февралга қадар ушбу Фармон ва Қарордан келиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар киритилишини таъминласин.

13. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 13 июндаги 310-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А. ШАДМАНОВ.

Янги ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси магистратурасида янги “Нутрициология” йўналиши ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрда “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли-

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
МАГИСТРАТУРАСИДА ЯНГИ
“НУТРИЦИОЛОГИЯ” Йўналиши ОЧИЛАДИ

нинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Соғлиқни сақ-

лаш, Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академияси магистратурасининг

янги “Нутрициология” йўналишини очиб тўғрисидаги тақлифи маъқулланди.

Эслаб ўтамай, нутрициология фани илмий назорат, овқатланишнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ масалаларни ўрганатиш ҳамда махсус таркиби, овқатланиш жараёни, унинг организмга таъсирини таҳлил этади.

ЎЗА.

Парламент эшитуви

ФАОЛИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ: МУНОСАБАТ, ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА...

қабул қилинган фармон асосида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси юқоридagi меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг узвий давомийлиги бўлиб, истиқболдаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазири истиқболдаги режаларга алоҳида тўхталиб, жумладан, тизимни молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий афзалликлари ва унинг таркибида аҳолининг жон бошига молиялаштириш тизимини жорий қилиш, молиялаштиришнинг замонавий шаклига ўтиш, яъни даволангандан сўнг молиялаштириш, мажбурий тиббий сургута тизимини жорий этиш, давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш ва уларнинг натижасида "Қафлатланган бепул тиббий хизмат ҳамми тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, "Бирламчи тиббий-ижтимоий ёрдам муассасалари билан шартномалар тузиш тартибини жорий этиш, мажбурий тиббий сургута тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимига давлат-хусусий шерикчилик тизимини жорий этиш муҳимлигига алоҳида тўхтади. Бунинг баробарида, мажбурий тиббий сургута тизимини босқичма-босқич, яъни ҳар бири ўз таркибига бир қанча вазифаларни қамраб олган уч босқичда амалга оширилиши ҳамда давлат-хусусий шерикчи-

лиги ва тиббий туризмни ривожлантириш борасида батафсил сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини кўлаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори доирасида "Алкоголь ва тамоки маҳсулотлари-

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов тизимда эришилган ютуқлар қаторида ўз ечимини кутаётган муаммоларга ҳам тўхтади.

Парламент эшитувида депутатлар тизимдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, аҳоли томонидан билдирилётган эътирозлар бўйича ўз фикрларини билдиришди. Жумладан, Президентимиз томонидан тиббиёт ходим-

тижасида мутахассислар тоифа олишда тўқтинликларга қараётганликлари, шунингдек, кадрлар етишмовчилигига сабаб бўлаётганлигига ҳам эътибор қaratилди. Шу ўринда Соғлиқни сақлаш вазири мавжуд муаммоларга ойдинлик киритиб, бу тўғрисида маълумот бериб ўтди. Шунингдек, парламент аъзолари ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида ҳам учраётган айрим камчиликларга эътибор қара-

йўналишидаги ишларни янада жонлантириш, бу борада илмий-амалий тадқиқотларни қўлайитириш лозимлиги кайд этилди. Парламент эшитувида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, фракциялар вакилларининг фикр-мулоҳазалари инobatга олиниб, улар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирига фаолият қилари деб топилди. Шу билан бирга, Вазирилик ўз ишини Президентимизнинг

Ихтисослаштирилган ёрдам



Халқаро алоқалар



нинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш, шакар, ёғ ва туз миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини таснифлаш тартиби ва мезонлари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳамда тамоки маҳсулотларига тиббий огоҳлантириш матн ёрлиги киритилган расм шаклида жойлаштириш талабларини белгилаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам айтилди.

ларнинг 2 ставкага ҳақ олиниши шунингдек, шифокорларнинг даврий тиббий қўриқдан ўтиши, малака ошириш ёки қайта ихтисослаштириш учун вазирилик тизимида молиялаштириш бўйича муаммолар борлиги тилга олинди. Бунинг на-

тиб, улар мазкур марказлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни янада такомиллаштириш натижасида беморларга қўлайликлар яратилиши тўғрисидаги фикрларини баён этишди. Бундан ташқари, туман, вилоят ва республика миқёсидаги тиббиёт ташиқотлари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш борасидаги муаммолар ҳам депутатлар эътиборидан четда қолмади. Аналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар касалликлари ва ноғиронлигининг олдини олиш

2018 йил 7 декабрдаги қароридан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этиши лозим, деган яқиний хулосага келинди.

Муҳокамалар якунига қўра, қўрилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган аниқ тавсиялари бўйича қарор қабул қилинди.

Парламент эшитувини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов олиб борди.

(Давомий. Боши 1-бетда).

Давра суҳбати

МУҲИМ ҲУЖЖАТ ДЕПУТАТЛАР НИГОҲИДА

2018 йилнинг 14 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмиталари ҳамкорлигида "Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда муҳим қадам" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси раиси Иноят Ҳожиёв Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига фа-

олиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини тубдан ошириш, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини янада яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши хусусида тўхталиб, соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг узвий давоми эканлигини эътироф этди.

Соғлиқни сақлаш вазириликнинг бошқарма бошлиғи Фарҳод Раҳимкулов «Соғлиқни сақ-

лаш тизимини ривожлантириш Концепцияси – тиббиётнинг янги босқичидир» мавзусида маъруза қилиб, Давлатимиз раҳбарининг ушбу ҳужжатлари билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари асосида соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш, жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этиш, тиббиётни молиялаштириш тизимини "ҳар бир даволанган ҳолат", яъни, беморлар сонига қараб молиялаштириш, давлат хусусий шерикчилигини ва тиббий туризмни ривожлантириш масалалари белгиланганлиги, шунингдек, тизимнинг бир қанча муҳим масалалари ўрин олганлигини таъкидлаб, муҳим ҳужжатнинг мазмун – маънога чуқур тўхтади. Қолаверса, Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш учун 58 та банддан иборат чора-тадбирлар дастури тасдиқлангани тиббиёт соҳасининг янги моделига ўтиш даври келганини эътироф этди.

– 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг 1 тадан туманида ҳамда Фарғона вилоятининг

3 та туманида эксперимент таъриқсида тиббиёт муассасаларини "ҳар бир даволанган ҳолат" учун клиник харажат гуруҳлари бўйича киши бошига молиялаштириш тизимини жорий этилмоқда. 1 июлдан эътиборан эса, айрим давлат-профилактика муассасаларини ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари асосида белгиланган тартибда инвесторларга Ишончли бошқарувга бериш, 2021 йил 1 январдан бошлаб юртимизда мажбурий тиббий сургуталашни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Мухаррам Дадахўжаева.

Шунингдек, давра суҳбатиде Соғлиқни сақлаш вазириликнинг бошқарма бошлиғи Дилмурод Мирзабоев "Аҳолининг санитария – эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ҳақида ахборот берди.

Маърузачи мамлакатимизда аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталигини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги 216 та давлат санитария-эпидемиологик назорати марказлари томонидан амалга ошириб келинаётганлигига алоҳида ургу қаратди. Қўшни давлатларда безгак, ич

терлама, куйдирги каби касалликлар бўйича ноҳус эпидемия вазият юзага келган бўлса-да, Ўзбекистон ҳудудига ушбу юқумли хасталиқлар, шунингдек, бошқа ўлкаларда рўйхатга олинаётган парранда грипп, янги грипп ва Эбола иситмаси каби ўта хавфли касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмаганлигига алоҳида тўхтади.

Шу билан бирга, давра суҳбатиде депутатлар республикада аҳолининг саломатлигини сақлаш, санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича ўз фикрларини билдиришди.

Давра суҳбати якунида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада раванг топишига хизмат қиладиган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияда белгиланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш юзасидан кўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

Патронаж ойлиги

ТАКОМИЛЛАШГАН ФАОЛИЯТДА АҲОЛИ МАНФААТИ УСТУВОР

Мамлакат тараққийтини белгилаб берувчи омиллардан бири, шубҳасиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизими билан бевосита боғлиқдир. Табиийки, бу борадаги энг самарали йўл тиббий профилактика ишларини кучайтиришдан иборатдир. Мазкур йўналишдаги мақсадларга эса патронаж хизмати фаолияти кўмағида эришиш мумкин.

Шу маънода олиб қараганда бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириқ ва кўрсатмалари асосида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларда асосий эътибор айти масалаларга қаратилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Жорий йилнинг декабрь ойида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий-санитария йўналишидаги барча тиббиёт муассасаларида янада такомиллаштирилган "патронаж ойлиги"нинг ўтказилаётганлиги халқимиз саломатлигини асраш, тиббий маданиятини юксалтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг усту-


ларарида яшовчи 31 минг 723 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Худуддаги 7 минг 850 та хонадондаги 9 минг 933 та оила аъзоларининг барчаси муассаса томонидан рўйхатга олинган.

**Дилдора МАМАТХОНОВА,
39-сонли оилавий
поликлиника
бош шифокори:**

– Халқимиз саломатлигини муҳофазалаш чора-тадбирларини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида фаолияти янада такомиллаштирилаётган "патронаж ойлиги" поликлиникамиз ходимлари томо-

юзасидан зарурий вазифалар топширилди. Патронаж ойлигини сифатли ўтказишга умумий 90 нафар бириктирилиб, уларга хонадонлар сони тақсимлаб берилган. Айтиш керакки, патронаж ойлигининг биринчи босқичида аҳоли ялпи хатловдан ўтказилиб, тахлилий натижалар асосида мақсадли рўйхат шакллантирилди ва жорий йилнинг 5-12 декабрь кунлари иккинчи босқич ҳам самарали олиб борилди. Яъни, тиббий ёрдамга эҳтиёж борларга тор доира ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари мутахассислари билан биргаликда патронаж кўриги ўтказилди. Аниқланган муаммолар бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрилади. Сўнгги босқичда эса оғир ва мураккаб шaroитдаги беморларга истисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари шифокорлари жалб қилинган ҳолда ўтказилади.

Албатта, ҳар бир йўналишда



ғон ҳамда қисман Фидокор маҳаллалари бириктирилган. Худудда 220 та оилада 1440 нафар аҳоли истиқомат қилади. Албатта, улар орасида патронажга муҳтож ёш болалар, ҳомилдор аёл-

лар ҳамда малакали тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор беморлар ҳам мавжуд. Ўтказилаётган "Патронаж ойлиги" доирасида уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ва соғлом турмуш тарзига оид тушунтириш ишлари янада кучайтирилмоқда. Тўғри, ушбу фаолиятлар биринчи бор амалга оширилмаётганлиги боис, ўринли бир савол туғилиши мумкин. Хўш, бу галги фаолият аввалгиларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Айтиш мумкинки, аввало, мақсадлар моҳияти тубдан оидинлаштирилди. Яъни, умумий жараён тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан биринчи навбатда ялпи хатлов ўтказилди. Бу эса зарурий тиббий ёрдамнинг айнан қайси контентига кўрсатилиши заруриятини белгилаб олишга хизмат қилди.



вор жиҳатларидан бирига айланганлигидан далолатдир. Яқинда ушбу мақсадлар ижросига қаратилган фаолиятлар билан танишиш истагида Чилонзор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 39-сонли оилавий поликлиникада бўлдик. Мазкур тиббиёт муассасаси туман ҳудудидаги Мевазор, Фидокор, Навбахор, Заркўрғон, Нақошлик, 2-Қатортол, Яккабоғ ва Домбробод маҳал-

лидан ҳам режадагидек амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг кўрсатмалари, Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи ҳамда Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси бошчилигининг топшириғига асосан йўлга қўйилган мазкур ойлик жараёнини назоратга олиб бориш учун муассасамизда махсус штаб тузилди. Унинг таркибига бириктирилган ҳар бир масъул ходимга ҳудудлар қамраб олиниши



бўлгани сингари бу борада ҳам вазифалар ижросини таъминлашда масъуллар муҳим ўрин тутди. Патронаж ҳамшираси ва умумий амалиёт шифокорлари фаолияти тўғрисида айти шундай дейиш мумкин.

**Гулбахор ЖУМАЕВА,
олий тоифали умумий
амалиёт шифокори:**

– Муассасадаги фаолиятим бўйича менга Чилонзор тумани 16-мавзесида жойлашган Заркўр-

ғонда умумий амалиёт шифокорлари фаолияти тўғрисида айтиш мумкинки, аввало, мақсадлар моҳияти тубдан оидинлаштирилди. Яъни, умумий жараён тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан биринчи навбатда ялпи хатлов ўтказилди. Бу эса зарурий тиббий ёрдамнинг айнан қайси контентига кўрсатилиши заруриятини белгилаб олишга хизмат қилди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

Муаллиф олган суратлар.

Ҳамкорлик

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА ЯНА БИР ХАЛҚАРО ФАКУЛЬТЕТ ОЧИЛАДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида жадал ислохотлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда тиббий таълим тизимига илгор таълим стандартларини жорий этиш, жаҳон тиббиётини эришляётган илмий янгиликлардан келиб чиқиб янги-янги йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш, талабаларга энг юксак технологиялар асосида таълим беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тиббиёт олий ўқув юр்தларининг жаҳондаги нуфузли илм-фан муассасалари билан алоқалари кенгайиб бормоқда.

ланди. Тошкент давлат стоматология институтини бу борада етакчи тиббий таълим муассасаларидан биридир. Мазкур институт айти пайтда хорижий мамлакатларнинг элликка яқин нуфузли олий таълим муассасалари ва компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзолашга эришди. 2018 йил давомида 50 дан ортқ талаба ва 20 дан зиёд профессор-ўқитувчилар хорижда малака оширди.

Ушбу ҳамкорлик дастурлари натижасида 2018-2019 ўқув йилидан Италиянинг Турин университети билан "биотиббий муҳандислик" ва Москва давлат тиббиёт стоматология университети билан "стоматология" факультетлари ташкил этилди.

Куни кеча бу борада яна бир муҳим лойиҳа амалга оширилди. Институт делегациясининг Россия Федерациясига таширифи доирасида Оренбург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорлик дастурига асосан, "клиник-психология" йўналишида янги факультет очилмоқда. Маз-




кур факультетга 2019-2020 ўқув йилидан талабалар қабул қилинади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда 2 минг 200 дан кўпроқ талаба тахсил олаётган мазкур олий таълим муассасасида таълим жараёнига илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурларини кенг жорий қилиш, магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларда амалиёт ўташи, профессор-ўқитувчиларнинг мала-

касини оширишни ташкил қилиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу ишлар малакали кадрлар тайёрлаш, тиббиёт соҳасида жаҳоннинг илгор амалиётларини кенг жорий этиш, халқимизга кўрсатилаётган стоматологик хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлмоқда.

**Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Ахборот хизмати.**



Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар бу йўналишда тиббиёт олий ўқув юр்தлари то-

монидан хорижий олий таълим муассасалари билан 220 та ҳамкорлик меморандумлари имзо-

Юртимиз шифохоналарида

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ОФРИГАН БЕМОРЛАРГА
ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Президентимиз ташаббуси билан Қарши шаҳридаги вилоят юқумли касалликлар шифохонаси тубдан капитал реконструкция қилиниб, замон талабларига тўла мос ҳолатга келтирилди.

Ушбу 220 ўринга мўлжалланган замонавий шифо масканини олдинги ҳолати билан мутлақо қиёслаб бўлмайди. Сабаби, шу кунга қадар шифохона ўтган асрнинг 50-йилларида ётоқхона сифатида қурилган бинода фаолият кўрсатиб келарди. Доимий ичимлик суви, канализация тизими мавжуд бўлмаган ва бино яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Шифохонада фойдаланиб келинган тиббий асбоб-ускуналар ҳам ўтган қарийб 40 йил аввал ишлаб чиқарилган ва маъна эскирган эди.

Статистик маълумотларга кўра, кейинги икки йилда вилоятда 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида вирусли гепатит "А" ва ўткир ичак инфекциялари билан касалланиш кўрсаткичи нисбатан ошган. Хусусан, 2016 йилда вирусли гепатит "А" билан 1 минг 304 нафар бемор (уларнинг 1 минг 184 нафари болалар) даволаниб чиққан бўлса, 2017 йилда 2 минг 54 нафар бемор (1 минг 893 нафар бола) даволанган ва бу кўрсаткич 1,5 баробар кўпайган. Ўткир диарея билан эса 2013 йилда 2 минг 382 нафар бемор бола даволанган бўлса, 2017 йилда 2 минг 972 нафар бола шифо топган ва бу кўрсаткич 1,2 баробар ошганини кўриш мумкин.

Шифохонада ётиб даволанган беморларга шароитларни яхшилаш, кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида замонавий шифохона бўлимлари қурилишига ва зарур тиббий анжуманлар билан жиҳозлашга эҳтиёж сезилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил февраль ойида Қашқадарь вилоятига ташрифи доирасида вилоятдаги ижтимоий соха

объектлари моддий-техник базасини ўрганиш чоғида мазкур шифохона ҳолатининг ноқорлиги, шунингдек, вилоят аҳолиси ўртасида вирусли гепатитлар билан касалланиш ҳолати олдинги йилларга нисбатан ошганини алоҳида таъкидлаб, 120 ўринли янги даволаш бўлимлари, ёрдамчи бўлимлар қурилиши ва 100 ўринли даволаш бўлимларини реконструкция қилиш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ, вилоят юқумли касалликлар шифо-



хонасида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари амалга оширилди ва унинг ўрнида замонавий шифохона қад ростлади.

Энг сўнгги тиббий технологиялар билан таъминланган, ҳар томонлама қулайлик ва шароит яратилган бундай тиббий муассаса иш бошлагани вилоятимиз аҳолисига катта совға бўлди, — дейди вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош шифоқори Қахрамон Қурбанов. — Масалан, шифохона тасарруфиди гепатология маркази очилди. Энди сурункали вирусли гепатит касалликлари билан "Д" назоратида турган жами бемор-

ларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга амбулатор ва стационар ёрдам кўрсатиш, юқумли касалликлар билан касалланган беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва стационар шароитда даволанишини таъминлаш имконияти яратилди. Лаборатория-мизнинг замонавий микроскоп, биохимик анализатор, ИФА анализатор, гематологик анализатор каби замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиши беморларга юқори аниқликда ташхис қўйишга хизмат қилади. Илгари бундай ускуналар хизматидан фойдаланиш учун беморлар пойтахтга бориб келишига тўғри келар эди. Бу каби замонавий технологиялар орқали нафақат юқумли касалликларни даволаш, балки унинг олдини бар-

вақт олиш мумкин. Энди вилоятимизда бунинг имконияти бор.

Қабул диагностика бўлими УТД, рентген, гастрофиброскоп, ЭКГ аппаратлари билан жиҳозланган. Реанимация бўлимининг ларенгоскоп комплекти, дефибрилятор, кардиомониторлар билан жиҳозлангани оғир беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширади. Бундан ташқари, марказий зарарсизлантириш пункти ва ички дорихонадаги барча зарур асбоб-ускуналар янги, замонавийсига алмаштирилган.

— Бундай шароит ва имкониятлар туфайли вилоятдаги юқумли касалликлар билан касаллан-



ган беморларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати яхшиланди, — дейди бош шифоқорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Раҳим Рўзиев. — Аҳолининг тиббий ёрдамдан баҳрамандлиги ошади. Энди шифохона шароитида юқумли касалликлар билан касалланган оғир беморларнинг ўлим кўрсаткичи камайишига эришиш мумкин. Ҳозирда вилоят миқёсида сурункали вирусли гепатит билан касалланган беморларга вақтли ташхис қўйиш натижасида ўз вақтида вирусга қарши дори воситаларини қўллаш туфайли соғайиш кўрсаткичларини оширяпмиз. Шифохонамизнинг замонавий даволаш, диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланиш даражаси ошгани боис, ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш ва даволаш кўрсаткичлари яхшиланди. Яна бир муҳим масала, юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларини қўлайдиган инфекциялист врачлар сони ошди, яъни муассасамизга тушиши билан 50 га яқин қўшимча иш ўрни яратилди.

Энг сўнгги қурилиш лойиҳалари асосида барпо этилган шифо масканида беморлар учун барча шароит яратилган. Бинода иситиш-совитиш, иссиқ ва совуқ сув, канализация тизимлари юксак даражада йўлга қўйил-

ган. — Бу ерга нотўғри овқатланиш оқибатида ошқозоним заҳарланиб, ниҳоятда оғир аҳволда келгандим, — дейди бемор М. Қамбаров. — Қўли енгил шифоқорлар тезда дардимга шифо топишди. Илгари бундай шароитлар умуман йўқ эди. Очиги, даволанишга келиб, ҳайратга тушдим. Шифохонада шароитлар ниҳоятда яхшиланибди. Хоналар иссиқ ва ёруғ, иссиқ сув, совуқ сув бор. Бундан жуда хурсандимиз. Халқимиз фаровонлиги йўлида шунча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Айни пайтда шифохонада 44 нафар олий маълумотли шифоқор ва 256 нафар ўрта тиббий ходими фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг малакасини ошириш доимий эътиборда. Жумладан, жорий йилда 7 нафар шифоқор марказий клиникаларда, врачлар малакасини ошириш институтларида малака ошириб қайтди. Бундан ташқари, шифоқор Даврон Абдурахмонов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги болалар юқумли касалликлар шифохонасида малака оширди. Келажакда бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Ўлмас БАРОТОВ.

Тадбир

«БИЗ СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРАФДОРИМИЗ»

Маълумки, дунё миқёсида 1 декабрь — ОИТСга қарши кураш кунини сифатида кенг нишонланади. Мамлакатимизда ҳам ушбу сана муносабати билан жойларда тадбирлар, жумладан, семинар, давра суҳбати, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилиб, глобал муаммага айланган улгурган мазкур касалликнинг олдини олиш борасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.



Кунни кеча Қ. Зоиров номидаги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида "Дунё учун ўзингни асра" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиз-

даги 178- ва 186-сонли мумтаълим мактаблари педагог ҳамда юқори синф ўқувчилари, табиий фанлар ўқитувчилари иштирок этди.

Малика ПЎЛАТХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи директори ўринбосари:

— Муассасамизда турли учрашув, давра суҳбатлари мунатазам ўтказиб келинади. Шу билан бирга, экспонатлар сонини кўпайтириш, янги инновацион гоёларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдамиз. Мақсад, музейга ташриф буюрувчиларнинг маданий хордик олишини таъминлаш. Гувоҳи бўлганингиздек, ОИТС ва ОИВга қарши кураш ойлари доирасида ташкиллаштирилган тадбирда ёшларимизнинг касалликлар, айниқса, ОИТС, ОИВ борасида керакли маълумотларни тақдим этди, десам муболага бўлмайди. Бу нафақат ўқувчилар, балки музей экспонатларини томоша қилишга келганларга мамнун бўлди. Шу боис, истиқболда ана шундай тадбирларни янада кўпайтириб, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтираимиз.

— 41 йиллик педагогик фаолият давомида ўқувчиларга дарс жараёнини фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий



машғулотлар ўтказишга кўпроқ эътибор қаратаман, — дейди Шайхонтоҳур тумани 186-сонли умумтаълим мактаби кимё-биология фани ўқитувчиси Светлана Бубенова. — Биласизми, бугун ўқувчилар биздан таълим жараёнида янгиликлар, инновацион технологиялар, янги гоёларни куттишади. Шу ўринда биз ўқитувчилар ҳам уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб воғна етиши учун бор имкониятларимизни

ишга солаемиз. Айтиш жоизки, икки ҳафтада бир маротаба, яъни йилга 17 соат ўтиладиган соғлиқни сақлаш фани ўқувчилар учун қизиқ. Сабаби, уларга касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш борасида тушунча берилади. Мана, бугун мазкур дарсни ноанъанавий усулда ўтказдик. 8- ва 10-синф ўқувчилари катта қизиқиш бил-

(Давоми 7-бетда).

Тадбир

«БИЗ СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРАФДОРМИЗ»

дириб, фаол қатнашди. Айтмоқ-чиманки, ОИТСга қарши кураш-да улардаги ҳамжихатликни кўриб ўзим ҳам жуда қувондим. Демак, бераётган таълим ва тарбия бесамар кетмапти. Гу-воҳи бўлганимиздек, уларнинг ёшига мос саҳна кўриниши ва кўшиқ, шеърлар ёрдамида ОИТС тўғрисидаги маълумот-ларни етказдик. Албатта, бу борада Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи жамоаси бизга катта ёрдам беришди. Шу ўрин-да уларга миннатдорлик бил-дириб, келгусида ушбу муас-са-

сада тез-тез келиш ва бу каби очиқ дарсларни ўтказиш нияти-миз йўқ эмас.

Тадбирда Тошкент шаҳрида-ги таббӣй фанлар ўқитувчилари ва музейга ташриф буюрганлар учун ўқувчилар ўзларининг саҳ-на кўриниш, блиц савол-жавоб-лар орқали ОИТС ва ОИВ бора-сидаги билимларини намойиш этишди.

– ОИТС ўз гирдобига кўпроқ ўсмирлар, ёшларни қамраб оли-ши натижасида нафакат ота-она, балки ҳар бир беморга руҳий таъсир ўтказиши, бир сўз билан айтганда, инсоннинг соғлиги ва фаолиятига салбий таъсир кўр-са-тига бугун яна бир бор амин

бўлдим, – дейди Шайхонтохур туманидаги 178-сонли умум-таълим мактаби ўқувчиси Станислав Сапаев. – Бу борадаги аниқ маълумотларни мисоллар ва саҳна кўринишлари ёрдами-да тенгқурларимиз, музей ме-монлари, ўқитувчиларимизга на-мойиш қилдик. Бундан ташқари, “Ҳаётни қадрланг” ва “ОИТС” деб номланган шеърим билан синфдошларимни ҳам соғлом турмуш тарзига амал қилишга ундадим. Бу каби очиқ дарс мен-да катта таассурот қолдирди, ал-батта. Зеро, биз соғлом ҳаёт та-рафдоримиз.

– Маълумки, дунёда касаллик пайдо бўлганидан буён унга

қарши кураш олиб борилиши зарурлиги борасида аҳоли ора-сида тушунтириш бериб кели-нади, – 178-сонли умумтаъ-лим мактабининг биология фани ўқитувчиси Дилшод Абдукаримов. – Худди шундай мамлакатимизда ҳам бу борада зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқимиз, айниқ-са, ёш авлодга ОИТСнинг келиб чиқиш сабаби, юқиш йўллари, профилактикасига доир мунта-зам тарғибот ишлари олиб бо-рилади. Биз ҳам таълим дарго-ҳида ўқувчиларга тушунтириш берамиз. Қўриб турганимиздек, бугун мазкур фаолиятларимизни амалий машғулотлар тарзида

ўтказиб, ўқувчилар, педагог хо-димлари бу борадаги билим ва маълумотларини ўртоқлашиш-ди. Жорий йилнинг декабрь ойида ОИТСга қарши кураш ойлги доирасида ўтказган маз-кур тадбир ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди, деган умиддаман.

Шунингдек, ОИТСга қарши кураш ойлги доира-сида ўтказилган тадбирда фаол қатнашган педагог ва ўқувчиларга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейининг фахрий ёрлиги топи-рилди.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Муаллиф олган суратлар.

(Давоми. Боши
1-бетда).

Объявление

Приглашение к Торгам
Республика Узбекистан

Проект: «Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием республиканских специализированных научно-практических центров»
Закупка специализированного медицинского оборудования для республиканских научно-практических центров
(UZB – 4/588/ICB/02)

1. Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Саудовского фонда развития ("Фонд") для покрытия расходов, связанных с проектом "Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием республиканских специализированных научно-практических центров", и намеревается использовать часть этого финансирования для выплат по контрактам на закупку специализированного медицинского оборудования для республиканских специализированных научно-практических центров (UZB-4/588/ICB/02).

2. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает правомочных участников торгов представить свои запечатанные тендерные предложения на поставку следующего наименования оборудования:

Лот №	№	Наименование оборудования	Кол-во
1	Оборудование для ударно-волновой литотрипсии		
	1.1	Экстракорпоральный ударно-волновой литотриптер	1
2	Оборудование для малоинвазивной хирургии		
	2.1	Комплект оборудования и инструментов для эндouroлогических операций	1
	2.2	Комплект оборудования и инструментов для лапароскопических операций	1
2.3	Комплект оборудования и инструментов для малоинвазивных травматологических и ортопедических операций		
	2.3	Комплект оборудования и инструментов для малоинвазивных травматологических и ортопедических операций	1
3	Оборудование и мебель для операционных блоков		
	3.1	Операционный стол, Тип 1	4
	3.2	Операционный стол, Тип 2	2
	3.3	Операционный стол, Тип 3	2
	3.4	Специализированный офтальмологический стол	2
4	Лабораторное оборудование		
	4.1	Анализатор газов крови и электролитов	1
	4.2	Полуавтоматический анализатор гемостаза (коагулометр)	1
4.3	Проточный цитофлуориметр		
	4.3	Проточный цитофлуориметр	1
	4.3	Проточный цитофлуориметр	1
5	Наркозное оборудование и оборудование для реанимационных отделений		
	5.1	Наркозно-дыхательный аппарат	4
	5.2	Аппарат искусственной вентиляции легких	6
	5.3	Дефибриллятор-монитор	2
	5.3	Дефибриллятор-монитор	2
6	Офтальмологическое оборудование		
	6.1	Ультразвуковой биомикроскоп	1
	6.2	Сканирующий лазерный офтальмоскоп	1
	6.3	Оптический когерентный томограф	2
	6.4	Эксьимер лазерная система	1
	6.5	Фемтосекундная лазерная система	1
	6.6	Лазерный фотокоагулятор	2
	6.7	Система для фактозмюльсификации	1
	6.8	Комбинированная система для витректомии и фактозмюльсификации	1
	6.9	Оптический когерентный биометр	1
	6.10	Конфокальный сканирующий микроскоп	1
	6.11	Цифровая щелевая лампа	1
	6.12	Щелевая лампа, Тип 1	5
	6.13	Щелевая лампа, Тип 2	3
	6.14	Ультразвуковой А-В скан	1
	6.15	Корнеотопограф	1
	6.16	Цифровая мидриотическая фундус-камера	1
6.17	Рабочее место офтальмолога	1	

7	Оборудование для дерматологии		
7.1	Терапевтическая лазерная система, Тип 1	1	
7.2	Терапевтическая лазерная система, Тип 2	1	
7.3	Терапевтическая лазерная система, Тип 3	1	
7.4	Система эксимерного света	2	
7.5	Система для фототерапии, Тип 1	2	
7.6	Система для фототерапии, Тип 2	4	
7.7	Система для фототерапии, Тип 3	2	
8	Хирургические инструменты и оборудование		
	8.1	Многофункциональный электрохирургический аппарат	2
	8.2	Ультразвуковой хирургический диссектор/аспиратор	1
	8.3	Высокочастотный коагулятор	10
8.4	Набор хирургических инструментов, приспособлений и приборов	1	
9	Оборудование для стерилизации		
9.1	Низкотемпературный плазменный стерилизатор	1	
10	Операционный микроскоп		
	10.1	Нейрохирургический операционный микроскоп	1
10.2	Офтальмологический операционный микроскоп	3	
11	Рентгеновское оборудование		
11.1	Специализированная урологическая рентгеновская система	2	
12	Уродинамическая система		
	12.1	Компьютерная уродинамическая система	1
13	Эндоскопическое оборудование		
13.1	Набор для бронхофиброскопии	2	

Участник торгов может предоставить предложение, как на все Лоты, так и на любой из Лотов. Конкурсное Предложение на конкретный лот должно содержать все позиции лота и 100% количество, указанных для каждой позиции лота. Конкурсные предложения будут оцениваться и контракты будут присуждаться раздельно по Лотам.

Квалификационные требования включают: технический потенциал, финансовый потенциал, опыт и технические возможности. Детали указаны в Тендерной документации.

3. Тендер будет проводиться по процедурам международных конкурсных торгов в соответствии с "Руководством по закупкам товаров и работ" Арабской координационной группы и открыт для всех участников торгов из правомочных стран, как определено в Руководстве.

4. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дополнительную информацию по нижеуказанному номеру телефона и/или электронному адресу с 10.00 до 17.00 часов (по Ташкентскому времени).

5. Полный комплект Тендерных документов на английском языке в электронном виде может быть получен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному электронному адресу. В заявке указываются: наименование проекта, МКТ № UZB – 4/588/ICB/02, полное наименование, страна и адрес заинтересованного участника торгов.

6. Тендерные предложения должны быть доставлены по нижеуказанному адресу, не позднее 15:00 часов (Ташкентское время) 12 февраля 2019 года. Все Тендерные предложения должны сопровождаться гарантией обеспечения предложения, сумма которой должна составлять не менее 2% и не более 5% от стоимости тендерного предложения участника торгов. Цена предложения должна указываться в долларах США.

Тендерные предложения, полученные с опозданием, будут отклонены. Конкурсные предложения в электронном виде не принимаются. Вскрытие тендерных предложений состоится в присутствии представителей участников торгов, которые пожелают принять в этом участие, по нижеуказанному адресу в 15:10 часов (Ташкентское время) 12 февраля 2019 года.

Объединенная группа реализации проектов (ОГРП) при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан
Внимание: Руководитель ОГРП, Пулатова Сарвара
Республика Узбекистан, 100011 г. Ташкент, ул. Навои, 12
Тел. / Факс: +99871 268-25-39 (доп. 124)
Эл. почта: sfd.ssmc@gmail.com

Ислохот ва жараён

ҚАРШИ ШАҲРИДА ЗАМОНАВИЙ
ШИФОХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

рентген-эндоваскуляр жарроҳлик, кардиожарроҳлик, қабул-диагностика каби бўлимлар, кунлик 100 қатновга мўлжалланган поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. Германия, Россия каби давлатларда тахсил

олган малакали шифокорлар ишга жалб қилинди. Улар ўз тажрибаси ва билимларини вилоятдаги ҳамкасбларига ҳам ўргатади.

Марказда коронарография, вентрикулография, томирлар ангиографияси, коронар томирларни стентлаш, баллонли вальвулопластика, бўлмачалараро ва қоринчалараро тўсиқ нуқсон-

ларини окклюдер ёрдамида бартараф этиш, аортакоронар шунтлаш, юрак ортирилган нуқсонларидан клапанларни протезлаш, аорта ва унинг шохларида, юрак туғма нуқсонларида қилинадиган жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Бу тиббиёт туризми ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология маркази филиали ҳам Қашқадарё учун жуда зарур эди.

Шу пайтгача бундай тиббий хизмати вилоят эндокринология диспансерига кўрсатилиб, жиҳозлари, даволаш тизими эскича эди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган 150 ўринли янги шифохона эндокринологик касалликларни профилактика қилиш ва самарали даволашга хизмат қилади. Бу ерда йилига 700-800 жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин.

Янгилардан яна бири – Диабет мактаби фаолияти йўлга қўйилгани. Мазкур мактабда малакали ҳамширалар қандли диабетга чалинган беморларга ўз-



ўзини назорат қилиш, касалликнинг келиб чиқиш омиллари, унинг олдини олиш йўллари, болаларга эса тўғри овқатланиш тартиби ўргатилади.

Президентимиз бу марказлар бошқа шифохоналарга намуна бўлиши фақат касалларни даволаш билан чекланмасдан, ўз йўналиши бўйича хасталикларнинг олдини олиш, бунинг учун

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, мазкур тиббиёт муассасаларига малакали мутахассисларни жалб қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қамрови ва сифатини янада ошириш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА.

(Давоми. Боши
1-бетда).



101 хизмати

БОЛАЛАРНИ ЁНГИНДАН АСРАЙЛИК!

Ота-оналар фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига ишониб топширишлари ўз навбатида ушбу маскан раҳбарияти зиммасига уларнинг тарбияси, хавфсизлиги ва бошқа бир қатор вазифаларни юклайди.

Мазкур таълим муассасаларида хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ёнгин хавфсизлиги хизматининг асосий ишларидан биридир. Бу борада Тошкент шаҳар Миробод тумани ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳудуддаги барча мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда ушбу қоидаларнинг амалдаги ижроси юзасидан доимий назорат олиб боради. Туманда жойлашган ушбу таълим муассасаларида "Биринчи рақамли хавфсизлик" мавзусида учрашувлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Учрашувларда тарбияланувчиларга, қолаверса, жамоада фаолият юритаётган ходимларга ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар, зарурий қоидаларга риоя қилиш ва болалар хавфсизлигини таъминлашлари содир бўлаётган ёнгинлар мисолида тушунтириб борила-

ди. Болажонларга эса хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўзбошимчилик билан гугурт, газ плиталари, электр асбобларидан уйинчоқ сифатида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади. Айниқса, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига асосан фавқулодда вазиятларда болаларни бинодан олиб чиқиш бўйича амалий машғулотлар ҳам ўтказиб турилади. Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад – келажакимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнгин келиб чиқиш ҳолатларини бартараф этишдир.



А. МИРЗААХМЕДОВ,
Миробод тумани ЁХБ
инспектори, сафдор.

Дикқат!

Ҳурматли муштарийлар!
"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Узбекистана" газетасининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий канали фаолият бошлади. Эндиликда семимли нашрингизнинг ҳар бир сонини PDF формат шаклида @uzssgtz манзили орқали кузатиб боришингиз мумкин.

Обуна – 2019

Ҳурматли муштарийлар!
"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасига 2019 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислотлардан хабардор бўлишни истасангиз, семимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Эълон

Тошкент давлат юридик институти томонидан Манзура Аскарова Мухаммад-Сабировнага 2011 йил 3 майда берилган М № 055440 рақамли Магистр дипломидаги илова йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2237 нусха.
Буюртма Г-1237.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.